

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Шарқшунослик институти
Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Мавжуда РАЗЗОҚОВА

**ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ
ВА
ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ**

Тошкент - 2003

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи — *М.М.ХАЙРУЛЛАЕВ,*
ЎзР ФА академиги

Мазкур рисолада Хожагонлар тариқатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Мовароуннаҳрда илму фан ҳамда комил инсонни тарбиялашда беқиёс хизматлар кўрсатган, Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавийларнинг сафдоши Хожа Ҳасан Андоқийнинг (1071-1157) ҳаёти ва фаолияти биринчи марта қўлёзма манбалар асосида баён қилинган.

Рисола маънавият, маданият, тасаввуф адабиёти ва тарих билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© *Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази*

© *М.Ҳасаний., М.Раззоқова, 2003.*

СЎЗ БОШИ

Президентимиз И.А.Каримов «ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва ҳамон таъсир кўрсатмоқда», — деган эдилар.¹ Ҳақиқатан ҳам, она заминимиздан минглаб олимлар етишиб чиққан. Улар маънавиятимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар. Мустақиллигимиз шарофати билан уларнинг ижодини ва илмий фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилди.

Ўзбекистонда фаннинг турли соҳалари бўйича қалам тебратган машҳур олимларнинг асарлари ўрганилмоқда ва нашр этилмоқда, уларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган анжуманлар ўтказилмоқда. Бу анжуманларни ўтказиш ва уларнинг асарларини нашрга тайёрлаш ЎзР ФА Шарқшунослик институти олимларининг зиммасига тушмоқда. Мана, бу йил Абдулхолиқ Фиждувонийнинг 900 йиллик тўйларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Институт олимлари олимнинг фаолиятига бағишланган рисоалар ёзишга, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида республика матбуотида ҳамда радио-телевидениеда чиқишлар қилмоқдалар.

Маълумки, Ўрта Осиёда Хожагонлар тариқати ҳукм сурган бўлиб, унинг тарқалиши, асосан Хожа Юсуф Ҳамадонийдан бошланган. Унинг фаолиятини эса шогирдлари Баррақий, Андоқий, Фиждувоний ва Яссавий давом эттирдилар. Биз Аҳмад Яссавий ҳақида бир мунча маълумотларга эгамиз. Бироқ Андоқий, Баррақий ва Абдулхолиқ Фиждувонийларнинг илмий фаолияти деярли ўрганилмаган.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани ҳокимияти Андоқийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга киришиб, институт раҳбариятидан бу соҳада ёрдам беришни илтимос қилган эди. Олимларимиздан М. Ҳасаний ва М. Раззоқовалар бу ишга жалб қилиниб, бугун Андоқий ҳақидаги рисола

қўлингизда турибди. Мазкур рисолада нафақат Андоқий, балки унинг устози Юсуф Ҳамадоний, сафдошлари Баррақий, Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавийлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу рисола ўша даврнинг йирик олими Андоқий ҳаётини ёритиш билан бирга Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйига ҳам муносиб тухфа бўлади, деган фикрдамиз.

М.М.Хайруллаев,
ЎЗР ФА академиги

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, сиёсий мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1993, Б. 40-41.

КИРИШ

Ўтмишда Мовароуннаҳр ёки Туркистон деб аталган, ҳозирда эса азиз она юртимиз Ўзбекистон ҳудудидан минглаб олиму уламолар, фозилу фузалолар, шоиру шоиралар етишиб чиққан. Уларнинг сони шу қадар кўпки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фондида ана шундай доно ота-боболаримиз томонидан ёзилган юз минглаб асарларнинг ўзи фикримизнинг далилидир. Олиму шоирларнинг номлари зикр қилинган тазкира ва таърихларнинг ичида минглаб-минглаб даҳоларнинг номларига кўзимиз тушиши мумкин. Уларни бармоқ билан санаш мумкин бўлган қисмигина ўрганилган, холос. Мазкур олимлар фаннинг турли соҳалари бўйича қалам тебратганлар. Тарих, адабиёт, тил, фалсафа, ҳуқуқ, астрономия, геология, кимё, табобат, доришунослик, география, мусиқа, санъат, қуръон, тафсир, фикҳ ва бошқа кўпгина соҳаларга бағишланган асарлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина «Маънавият юлдузлари» китобининг ўзида бундай олим ва шоирларнинг энг машҳурларидан 94 тасининг номи ҳамда ёзган асарлари зикр этилган.¹

Шарқнинг буюк алломалари Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абубакр Розий (865-925), Мусо ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад Фарғоний (тахминан 797-865) асарлари олимларимиз томонидан қисман ўрганилган. Диний уламолардан Имом ал-Бухорий (810-870), ат-Термизий (824-892), аз-Замахшарий (1075-1144) ва бошқа юзлаб олимларнинг асарларини эндиgina ўрганишга киришилди. Мустақиллик шарофати билан юқоридаги олимлар қатори тасаввуф аҳлларининг ҳам ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга имконият пайдо бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Нажмуддин Кубро (1145-1221), Занги Ота (XII аср), Хожа Аҳрори Валий (1404-1490), Маҳдуми Аъзам (868/1461-949/1542) каби йирик мутасаввиф олимларнинг асарлари тадқиқ этилмоқда. Уларнинг фаолиятига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди ва ўтказилмоқда. 2003 йилда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи, 2004 йилда Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллик тўйлари бўлиб ўтади.

Тасаввуф борасида Марказий Осиёда бир қанча тариқатлар ҳукм сурди, шулардан бири Хожагонлар тариқати бўлиб, бу тариқат вакиллари илм-фанни ривожлантиришда ва одамларни маънавий покликка чақиришда катта хизмат кўрсатдилар. Бу соҳада Юсуф Ҳамадоний ва унинг тўрт халифа (шогирд)лари Хожа Абдуллоҳ Барракий, Хожа Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувонийлар катта фаолият кўрсатдилар. Афсуски, уларнинг илмий мероси, ҳаёти ва фаолияти шу кунгача етарлича ўрганилган эмас. Биз мазкур рисолада бу зотлар ҳақида қисман, Андоқий ҳақида эса қўлзма манбаларга суянган ҳолда тўлиқроқ маълумот беришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

¹ Маънавият юлдузлари. Тўлдирилган қайта нашр. Тўнлаб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир ЎзР ФА академиги М.М.Хайруллаев. Тошкент, «Мерос», 2001.

I БОБ. ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Хожа Ҳасан Андоқий тасаввуф маданиятининг йирик вакили сифатида фаолият кўрсатди. Унинг фаолиятини ва тасаввуф борасида чеккан меҳнатларини баён қилишдан аввал тасаввуф ўзи нима, у қачон пайдо бўлган, унинг мақсади ва вазифалари нимадан иборат эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш зарур. Буларсиз Андоқийни тўлиқ ва атрофлича тушуниб бўлмайди.

Тасаввуф ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлди.¹ У исломдаги фалсафий оқим бўлиб, VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келган.²

Ислом дини билан биргаликда тасаввуф ҳам ривожланиб борди. Айниқса, Шарқ мамлакатларининг ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди ва фан-маданиятига катта таъсир кўрсатди. Тасаввуф — Қуръони каримга, ҳадиси шарифга, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзлари, одатлари ва ҳаёт тарзларига ҳамда уларга суянган бир манба сифатида ривожланган таълимотдир.³ Тасаввуф ботинга (ички оламга) аҳамият беради, ташқи гўзалликдан кўра, ички гўзалликни улуғлайди, инсонлардаги яхши сифатларни мужассам қилишга чақиради. У инсонларни комил инсон бўлиб етишишига ундайдиган таълимотдир.

IX асрга келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Тасаввуф назарияси дастлаб араб халифалиги Бағдод, Дамашқ, Мадина каби шаҳарларда ишлаб чиқилган ва халқ орасида кенг ёйила бошлаган.⁴ Тасаввуф уч нарсани ўз ичига олади, яъни тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчаларни. Шу уч тушунча асосида суфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари одобини яратиш зарурати туғилди. Тасаввуф бутун Ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда работлар, зовиялар қад кўтарди.

Тасавуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, суфийлик йуриқларини, вазифаларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Зунун Мисрий,

Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Абдуллоҳ Ансорий, Яҳмад Яссавий, Яҳё Сухравардий, Нажмиддин Кубро, Баҳроуддин Нақшбанд ва бошқа машойихлар хизмат кўрсатдилар ва тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар ва янги оқим силсиласини вужудга келтирдилар.

Тасаввуф фақат дарвишона ҳаёт кечирish эмас, балки поклик, ҳалоллик, одоб-ахлоқ, илм-маърифатли бўлиш каби сифатлар билан ҳам суғорилган. Аммо тариқат йўлидаги киши (мурид) пир (яъни устоз) қўлида тарбияланиши шартдир. Агар мурид (шогирд) пир тарбиясини олмаса, уларнинг қобилияти нотўғри йўлга йўналиши ва ҳатто шайтоний ишларга сарф бўлиши мумкин. Бу ҳақда Алишер Навоий ёзади: «Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса, бўлмас бу иш». Ёки мана бу байт ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди:

*Кишига бўлмаса ҳодий, пағуғ эмас мақсағ,
Ҳидоят ўлмай анинг қатъий этмағил тасдиқ.*

Яъни ҳидоят сари юзланган инсон албатта устоз тарбиясини олмоғи лозим.

Тасаввуфга оид кўпгина мақомотлар ва маноқиблар вужудга кела бошлади. Жумладан, Абу Наср Саррожнинг «Китоб ал-лумаъ», Қушайрийнинг «Рисола фи-т-тасаввуф», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ас-соирин», Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» ва бошқа кўплаб асарларни кўрсатиш мумкин.

Х асрдан бошлаб тасаввуф таълимоти ғоялари Ўрта Осиё шаҳарларида ҳам тарқала бошлади. Айниқса, Ўрта Осиёда араб, форс тилларидан ташқари туркий тилларда ҳам тасаввуфга оид бир қанча асарлар яратилди.

Тасаввуф адабиёт соҳасида ҳам тез суръатлар билан ривожланиб борди. Айниқса, ўзларининг тасаввуфона шеърлари билан адабиёт соҳасида қалам тебратган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Бобур ва бошқа ўнлаб шоирларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тасаввуф аҳли назарида маърифат фикрдан олдин кетадиган

ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Бу илм ботиний илм деб ҳам юритилади. Чунки тасаввуф аҳли дунёвий ва диний илмларни бирга қушиб «зоҳирий илмлар» деб атаганлар. Тасаввуф аҳли билишнинг фалсафий — тасаввур, ҳис, мантиқий тафаккур ва ҳоказоларни ҳам таъкидлаб ўтадилар. Тасаввуф ислом асосида шаклланган диний-фалсафий оқимдир. Тасаввуф аҳли шахсий эркинлик, ўз хоҳиши билан билан тозаланиб, Аллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали етишишга асосланади.⁵ Тасаввуф шаҳар ҳунармандлари, майда савдогарлар орасида кенг тарқалган бўлиб, IX-X асрларда Ироқ, Эронда бу таълимотнинг йирик вакиллари вужудга келди. Жумладан, Мансур Ҳаллож (859-922), Боязид Бистомий (IX аср), Жунайд Бағдодий (в. 910)лар тасаввуф таълимотини халқ орасида кенг тарғиб қилиб келдилар.⁶

X асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотлари кенг ёйила бошлади. Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда мовароуннаҳрлик ва хуросонлик йирик машойихларнинг хизмати катта бўлди.

ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ

Шарқда катта шухратга эга бўлган тариқатлардан бири Хожагонлар тариқатидир. Бу тариқат шайх Боязид Бистомийдан (188/803-261/874) бошланади. Бу силсилага дахлдор шайхлар Хожалар ёки Хожагонлар деб аталади. Хожагонлар тариқати шу сўздан олинган.⁷ Уларнинг йирик вакилларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: Боязид Бистомий, Абулҳасан Ҳарақоний (в. 425/1033), Али Рудборий, Абу Али Котиб, Абу Усмон Мағрибий, Абулқосим Гургоний, Абу Али Формадий (в. 447/ 1055), Хожа Юсуф Ҳамадоний (440/1048-535/1140), Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Ориф Ревгарий ва ҳоказо.

Бу шайхлар ҳар бири ҳақида турли манбаларда маълумотлар келтирилган бўлиб, улардан машҳурлари Жомийнинг «Нафаҳот», Али Сафийнинг «Рашаҳот», Дорошукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё» ҳамда бошқа асарларни кўрсатиш мумкин.

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Андоқийнинг тасаввуфда камол топиши ва йирик шайх сифатида шаклланишига Юсуф Ҳамадоний катта таъсир кўрсатди. Биз Юсуф Ҳамадонийнинг фаолияти билан танишганимизда Андоқийнинг камолга етиши ва маънавий олами янада равшанроқ очилади.

Ўрта Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида Юсуф Ҳамадонийнинг Хожагон таълимоти муҳим аҳамият касб этади. Юсуф Ҳамадоний тасаввуфни халқ орасида тарғиб қилиб, Хожагонлар таълимотини янада ривожлантирди. У ҳунармандчилик-косибчилик билан шуғулланган ва унинг таълимоти асосан ҳунармандлар орасида кенг ёйилган.⁸

Юсуф Ҳамадоний 1048 йилда Эронга қарашли Ҳамадон шаҳрининг Фанимийя маҳалласида туғилган бўлиб, у ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Юсуф Ҳамадоний 18 ёшида Бағдодга бориб фикҳ илмини ўрганади. У ўз билимини ошириш мақсадида Исфаҳон, Бухоро ва Хоразм шаҳарларига сафар қилади. Юсуф Ҳамадоний ўз она тили форс тилидан ташқари араб тилини ҳам мукаммал биларди. У тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ ва калом илмларини яхши эгаллаган эди.

Юсуф Ҳамадоний ўз умрини кўпроқ илм олиш ва тоат-ибодатда ўтказар эди. Кўпинча, рўза тутарди ва Худойи таолога ибодат қилиш билан машғул бўларди. У нафақат тоат-ибодат қилиш билан машғул эди, балки халқни ҳам шунга даъват қиларди. Бутта сифинувчи 8000 та бутпарастни мусулмон қилган эди.

Юсуф Ҳамадоний ўз ҳалол меҳнати билан кун кўрар, яъни этик тикар ва деҳқончилик қиларди. У ўз меҳнати билан топганига қаноат қилиб, мол-дунё йиғмаган ва ҳашаматли бино қурдирмаган. Юсуф Ҳамадоний ўз улушидан камбағал, бева, етим, мусофир, бемор одамга ва бола-чақаси кўп инсонларга берарди. У 75 ёшигача уйланмаган эди.⁹ Юсуф Ҳамадоний кўпроқ пиёда юришни хуш кўрарди, шунинг учун у ўз умри давомида ҳаж зиёратига ҳам 38 марта пиёда борган эди.

Абдулхолиқ Фиждувоний ўзининг «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» асарида Юсуф Ҳамадонийнинг ташқи қиёфасини қуйидагича келтиради: «...муборак юзларида чечакдан қолган доғлар бор эди. Муборак соқоллари узун эди. Қизил юзли баданлари ўта озғин эди. Овозлари ёқимли, бўйлари ўртача, муборак бармоқлари узун эди...».¹⁰

Юсуф Ҳамадоний таълимотида «зикри алониййа»¹¹ бўлмаган эди, шунинг учун у доим «зикри хуфия»¹² билан машғул бўларди. Юсуф Ҳамадоний камгап инсон эди, у ўзининг бўйра, кигиз, обдаста, кўрпа ва икки болишдан иборат ҳужрасида истиқомат қиларди. Далада меҳнат қилиш билан бирга ўзи мактаб очиб, камбағалларнинг болаларини ўқитиш билан ҳам шуғулланарди.

Юсуф Ҳамадоний «Манозил ус-сойирин», «Рутбат ул-ҳаёт» ҳамда бошқа бир неча асарлар муаллифидир.

Юсуф Ҳамадоний Хожагонлар таълимотини ривожлантира бориб, ҳар бир муридни қуйидаги 4 та қоидага амал қилиши лозимлигини ўқитарди:

1. «*Ҳуш дар дам*» — ҳар бир нафасда ҳушёрлик, яъни ҳар бир нафаснинг кириб чиқишида ғафлатга йўл қўймаслик, ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши керак. Абдурахмон Жомийнинг пири Саъдудин Кошғарий бу ҳақда шундай деган эди: *Ҳуш дар дам*, яъни бир нафасдан иккинчи нафасга ўтиш ғофиллик юзасидан бўлмай, ҳузур юзасидан бўлсин ва олинаётган ҳар бир нафас Ҳақ субҳонаҳудан холий ва ғофил бўлмасин». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эҳтиёт қилиш керак, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин, деб буюради.

2. «*Назар дар қадам*» — оёққа назар солишнинг маъноси шуки, назари доимо оёқ панжалари устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин, демакдир. Демак, бу ерда ҳар бир одам ўз қадамини ўйлаб ва фикрлаб босиши лозимлиги ҳақидаги ғоя илғари сурилади.

3. «*Сафар дар ватан*» — ватанда сафар қилишнинг маъноси шуки, инсон ўз вужудига назар солиши, одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтиши керак. Иккинчи маъноси эса, ўз юртида сафар қилиши, мамлакатадаги улуғ олимлар, шайхлар,

суфийлар билан мулоқотда бўлиши ва улардан тариқат сирларини ўрганиши зарур.

4. «Хилват дар анжуман» — одамлар ичида хилватда бўлиш. Бунинг маъносини Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлайди: «хилват дар анжуман, яъни зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш». Демак, тариқатдаги ҳар бир киши зоҳиран халқ билан турли муносабатда бўлса-да, бироқ юрагида ҳамиша Аллоҳ ёди бўлиши керак.

Юсуф Ҳамадоний 1140 йилда вафот этган бўлиб, қабри Марвадир.

Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт шогирди бўлган. Булар Баррақий, Андоқий, Абдуллох Гиждувоний¹³ ва Аҳмад Яссавий¹⁴ лардир.

ХОЖА АБДУЛЛОҲ БАРРАҚИЙ

Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи шогирди Хожа Абдуллох Баррақийдир. Баррақийнинг ҳаёти ҳақида манбаларда маълумот кам учрайди. Айрим манбаларда берилган қисқа маълумотлар асосида ҳаёти ҳақида биров тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Унинг тўлиқ исми — Хожа Абдуллох Баррақийдир. «Тазкирайи Нақшбандия»¹⁵ асарининг муаллифи Тоҳир Эшон бошқа манбаларга қараганда ўз асарида Хожа Баррақий ҳақида тўлиқроқ маълумот бериб ўтган. Биз мазкур манбага суянган ҳолда Баррақийнинг ҳаёт йўлини биров бўлса-да ёритиш имкониятига эгамиз.

Баррақий асли Хоразм вилоятидандир. Шайх Абдулкарим Самъонийнинг «Ансоб» деган китобида айтилишича, Баррақий лақабини барак (барра) сўзидан олган.¹⁶

Хожа Юсуф Ҳамадоний Бухорога келганда Баррақий у билан учрашади ва мурид бўлади. У ўз устозидан тариқатнинг барча одоб-ахлоқларидан сабоқ олади. Юқорида айтилганидек, Баррақий Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи халифаси бўлишга мушарраф бўлади.

Баррақий Хожагонлар тариқатида мавжуд бўлган, ҳалол яшаш, ўз қўл меҳнати билан кун кўриш каби юксак ғояга

асосланиб, ота-боболари каби қўй боқиб, баррафурушлик билан шуғулланган.¹⁷ Шу билан бирга Баррақий ўз устозининг таълимотини умри охиригача халқ орасида тарғиб қилиш билан машғул бўлган. «Рашаҳот» муаллифи Баррақийнинг қабри ҳақида қуйидагича ёзади: «Қабри мубораклари Бухорода Шуристон таллида. Шайх Исҳоқ Калободий раҳматуллоҳи таъолонинг мазорларининг яқинида турур...».¹⁸

Ҳамадонийнинг иккинчи шогирди Андоқий бўлиб, у ҳақда қуйида баён қиламиз.

АҲМАД ЯССАВИЙ

Ҳамадонийнинг учинчи шогирди — Аҳмад Яссавийдир.¹⁹ У Туркистон ҳудудида жойлашган Ясси шаҳрида туғилган. Яссавийнинг отаси Иброҳим ўз даврининг билимдон кишиларидан бўлиб, Сайрам шаҳрида ўзоқ йиллар давомида шайхлик қилган. Шунингдек, бир қанча муридлари ҳам бўлган.²⁰

Аҳмад Яссавий ёшлик давридан бошлаб илм ўрганишга интилади. У Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиб юрган давридаёқ Юсуф Ҳамадонийнинг шон-шухрати ҳақида эшитган эди. Ўша пайтда Бухорога Юсуф Ҳамадоний келади. «Мақомот» муаллифи Ғиждувоний бу ҳақда маълумот берар экан, қуйидагиларни ёзади: «... Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавий Шайх (Юсуф Ҳамадоний) ҳузурига келдилар, уларга ҳам зикр айтишни таълим бердилар».²¹ Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг таърифини эшитиб, унга шогирд бўлиш ва ундан тариқат одобларидан сабоқ олиш мақсадида унинг ҳузурига борган. Юсуф Ҳамадоний Аҳмад Яссавийни ўзига муридликка қабул қилиб, унга зикр айтишни ўргатган.

Юсуф Ҳамадоний вафот этгач, Баррақий ва Андоқийдан сўнг Аҳмад Яссавий тариқат йўлини давом эттириб, халқ орасида тарғибот ишларини олиб борди. «Мақомот»да: «Самарқанд бу азизларнинг вақтида обод бўлди ва Амударё қирғоғидан тортиб, то Хоразм ва Бадахшон вилоятигача бирорта бидъатчи қолмади»²² дейилади. Аҳмад Яссавий тариқат йўлида муқим бўлган ҳолда яссавия тариқатига асос солди.²³

Яссавийнинг ҳам бир қанча муридлари бўлиб, улар яссавия таълимотини Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида тарғиб қилиб келдилар. Шогирдларидан бири Сулаймон Боқирғоний (ваф. 1192 й.) бўлиб, у ўзининг туркий тилда ёзилган «Боқирғон», «Охир замон» асарларида асосан яссавийликни тарғиб қилган.²⁴ Аҳмад Яссавий 1167 йили вафот этган.

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди — Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийдир.²⁵

Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Бухородаги Фиждувон қишлоғида туғилган. Отаси Абдулжамил Рум подшоҳларининг авлодларидан бўлиб, имом деган ном билан машҳур эди.²⁶

Фиждувоний ёшлигида Бухорога келиб, шу ерда илм олади. У ўз даврининг машҳур уламоларидан бири бўлган имом Садриддиндан тафсир бўйича сабоқ олади. Али Сафий ўзининг «Рашаҳот» асарида ёзишича, Абдулхолиқ Фиждувоний то Хизр алайҳиссалом билан учрашмагунча интизорликда юрган. Учрашгандан сўнг Хизр алайҳиссалом Фиждувонийга зикри хуфия ва вуқуфи ададий (зикрни тоқ айтиш)ни ўргатади.²⁷

Фиждувоний Бухорода ўқиб юрган пайтида Бухорога Юсуф Ҳамадоний келади. Фиждувоний Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унинг суҳбатида бўлади. Бу учрашув ҳақида Фиждувоний ўзининг «Мақомот» асарида қуйидагиларни ёзади: «Йигирма икки ёшимда уйғоқ қалблиларнинг Хожаси Хизр алайҳиссалом мени шайхи раббоний Юсуфи Ҳамадоний қўлига топширдилар ва мени тарбия қилишга васият этдилар, улар Мовароуннаҳрда эканлар, мен уларнинг хизматларида бўлдим ва кўп фойдалар олдим».²⁸

Юсуф Ҳамадонийдан тариқат одобидан таълим олган. Фиждувоний риёзат билан машғул бўлди. У Хожагонлар тариқатини давом эттириб, халқни Ҳақ йўлига даъват этди. «Фасл ул-хитоб» муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо Фиждувоний ҳақида ёзар экан, «ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг йўллари тариқатда ҳужжат ҳисобланади»²⁹ деб ул зотга катта баҳо беради.

Хожагонлар тариқатида мавжуд бўлган ва Юсуф Ҳамадоний асос солган 4та қоида: ҳуш дар дам, назар дар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуманга Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳам 4та қоида киритади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. *Ёдқарғ* - дилда такрорлаш. Бунинг маъноси шуки, мурид Аллоҳ исмини тил билан овоз чиқариб такрорламай, балки дилида такрорлашдан иборат. Мавлоно Саъдуддин Қошғарийнинг таъкидлашича, зикр айтувчи бунда зикрни тили билан эмас, балки дили билан айтади.

2. *Бозғашт* - қайтиш. Бунинг маъноси шуки, зикр айтувчи хоҳ тилида, хоҳ дилида калимаи таййиба (ла илаҳа илаллоҳ)ни айтганда, унинг орқасидан: «Худовандо, менинг мақсудим Сенсан» деган калимани такрорлайди. Бу бозғашт калимаси бўлиб, у одамдан чалғитувчи фикрларни ҳайдайди. Зикрни холис қилади ва уни ўзга нораво нарсалардан озод этади.

3. *Нигоҳдошт* – сақлаш. Бунинг маъноси шуки, калимаи таййибани бир нафасда қанча марта такрорласа ҳам, шу давр ичида ҳаёлни чалғитувчи нарсалардан сақлаш керак. Мавлоно Саъдуддин Қошғарий бу ҳақда шундай дейди: «Бир соат, икки соат, ундан ҳам кўп вақт, имкони борича, ўзини ҳаёлу фикрлардан асрасин, шундан сўнггина бошқа нарса ҳақида фикрласин». «Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Аҳрорнинг муридларидан Мавлоно Қосим нигоҳдоштда шундай малака ҳосил қилган эдики, кун чиқишдан аввал то чошгоҳгача кўнглини Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг ўйи ва фикридан сақлай олар экан.

4. *Ёддошт* – ёдда тутиш. Бунинг маъноси шуки, мурид Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони доимо завқу шавқ билан ёдда тутиши ва огоҳ бўлиши керак. «Рашаҳот»да айтилишича, баъзилар бу калимани «ғойиб бўлмайдиган ҳузур» ҳам деб атайдилар. Баъзиларнинг фикрича, бу шундай мушоҳадаки, Аллоҳнинг муҳаббати кўнглини бутунлай чулғаб олади ва дилдан ҳеч қачон кўтарилмайди, бу эса ёддоштнинг ҳосил бўлганлигидир.

Шундай қилиб, Хожагонлар тариқатида ҳаммаси бўлиб 8 та қоида вужудга келди. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд унга яна учта қоидани қўшди ва бу қоидаларнинг умумий сони 11 тага етди. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Хожагонлар

тариқатида мавжуд бўлган ва устози Юсуф Ҳамадоний томонидан тарғиб этилган «зикри алониййа» ўрнига халққа «зикри хуфиййа»ни амалда қўллашга даъват этди. «Зикри хуфиййа»ни Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийга Хизр алайҳиссалом сабоқ берганди.³⁰

Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний бутун умр халқни Ҳақ йўлига даъват қилиб, ўзидан бир қанча шогирд ва муридлар қолдирди. Унинг энг яқин шогирдларидан бири Авлиёйи Кабирдир. «Рашаҳот» асарининг муаллифи бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «...Бир куни у Абдулхолиқ Фиждувоний билан учрашиб қолади. Абдулхолиқ Фиждувоний қассобдан гўшт олиб, уйига олиб кетаётганда Авлиёйи Кабир келиб қолиб, гўштни уларнинг уйига элиб берай, деб ялиниб-ёлворади. Уйга етишгач, Абдулхолиқ Фиждувоний, бир соатдан кейин келинг, бирга таом еймиз, дейди.

Авлиёйи Кабир мадрасага келиб дарс ўқиёлмайди, кўнгли Ҳазрати Хожанинг суҳбатига мойил бўлиб, бир соатдан сўнг қайтиб боради. Натижада тариқатга кириб, фарзандлик қабулига мушарраф бўлади».³¹

Фиждувоний ўз муридларига доим насиҳат қилар ва тариқат одобидан сабоқ берарди. У муридларига қилган насиҳатларида тариқат йўлидаги солиқ мазкур тариқатнинг энг нозик томонларини тўла билмоғи зарурлигини қайта-қайта такрорларди. «Насиҳатларимизни тариқат йўлининг соликларидан бирор киши ёдда тутиб амал қилса, шайхлик мартабаси унга муяссар бўлғусидир. Кимки уни ўзига қўлланма қилса, у кишини мақсуд ва мақсадига еткизгусидир»,³² деб муридларига сабоқ берарди.

Абдулхолиқ Фиждувонийдан асарлар сақланиб қолган. Бизгача унинг маънавий фарзанди Авлиёйи Кабирга бағишлаган «Васиятнома» (бошқача номи «Рисолаи васоё» («Насиҳатлар рисоласи»), «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» («Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли») «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний» («Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг айтганларидан») номли асарлари қўлёзма ҳолида етиб келган.³³

Абдулхолиқ Фиждувоний Нақшбандия тариқатининг

ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Баҳоуддин Нақшбанд Гиждувонийнинг йўлларини давом эттириб, уни юксак босқичга кўтарди.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, «Ёзувчи», 1996, Б. 5.

² Ислоом. Справочник. Тошкент, 1989, Б. 247.

³ Маҳмуд Асъад Жушон. Ислоом, тасаввуф ва ахлоқ. Таржимон ва сўнгги сўз муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ. Т. Истиқлол, 2000, Б. 62.

⁴ Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т. «Фан», 1994, Б. 63.

⁵ Хайруллаев М.М., Б. 61.

⁶ Ўша китоб, Б. 62.

⁷ Муҳаммад Дорошукх. Сафинат ул-авлиё. Конпур, 1900, Б. 73.

⁸ Хайруллаев М.М., Б. 64.

⁹ Хожай жаҳон - Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Нашрга тайёрловчи таржимон ва изоҳ муаллифлари — Маҳмудхон Махдум Хасанхон Махдум ўғли, Гулбаҳор Музаффар қизи. Т., Наврўз, 1994, Б.19.

¹⁰ Ўша китоб, Б. 19.

¹¹ Зикри алонийа - зикрни овоз чиқариб такрорлаш; яна қаранг: Хожай жаҳон, Б. 19.

¹² Зикри хуфия - зикрни овоз чиқармай айтиш.

¹³ Хожай жаҳон, Б. 5.

¹⁴ Ислоом. Справочник, Б. 287.

¹⁵ Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмаси, № 856, Б. 70^а.

¹⁶ Али Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. Лакнав, 1890, Б. 7.

¹⁷ Рашаҳот, Б. 7.

¹⁸ Ўша асар, ўша бет.

¹⁹ Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Хожа Ахмад Яссавий. Ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001.

²⁰ Хайруллаев М.М., Б. 65.

²¹ Хожай жаҳон, Б. 21.

²² Ўша китоб, ўша бет.

²³ Раззоқова М. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожига қўшган ҳиссаси (XIV-XV асрлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёқланган дисс. Т.: 2001, Б. 13; Ислоом. Справочник, Б. 288.

²⁴ Хайруллаев М.М., Б. 65.

²⁵ Рашаҳот, Б. 18.

²⁶ Хожай жаҳон, Б. 3.

²⁷ Ўша китоб, Б. 4.

²⁸ Ўша китоб, ўша бет

²⁹ Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. Тошканд, 1912, Б. 518.

³⁰ Хожай жаҳон, Б. 4.

³¹ Хожай жаҳон, Б. 13.

³² Ўша китоб, Б. 17.

³³ Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Хожай Жаҳон — Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Т., «Наврўз», 1994.

II БОБ. АНДОҚИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Андоқий илм-фан ривожланган ва кўплаб уламолар фаолият олиб борган бир даврда яшаган. У ўз давридаги машҳур олимлар ва шайхлар билан учрашган ва улардан таълим олган. Андоқий ҳақидаги маълумотлар турли манбаларда баъзан қисқа, баъзан мукамалроқ ҳолда ўз ифодасини топган. Биз ана шу манбаларга суянган ҳолда Андоқийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритдик ва бу манбаларнинг муаллифлари ҳақида ҳам маълумот беришга ҳаракат килдик. Рисола охирида эса мазкур манбалардаги маълумотлар таржимаси ҳам айнан келтирилди.

АЛИ САФИЙ ХОЖА АНДОҚИЙ ҲАҚИДА

«Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») китобининг муаллифи Фахруддин Али Сафий Ҳиротда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар яшаб турган ва Ҳусайн Бойқаро ҳокимлиги даврида маданият ва маърифат гуллаб-яшнаган бир даврда дунёга келди.

Али Сафийнинг отаси Камолуддин Ҳусайн ибн Али Байҳақий Ҳаравий ёки қисқача Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг энг йирик олимларидан бири эди. У Сабзаворда туғилиб нашъу намо топган, кейинчалик Ҳиротга келиб, Жомий ва Навоийлар билан дўстона муносабатда бўлган. У Ҳирот мадрасаларида дарс бериш билан бирга Жомеъ масжидида жумъа кунлари ваъз айтар эди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Воиз Кошифийга таъриф берар экан, «оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай» дейди. Ҳақиқатан унинг тафсир, ҳадис, адабиёт, тарих, илми нужум, риёзиёт ва ва кимёга оид 40дан ортиқ асарлари бор. Бу асарларнинг ҳар бири эса жуда катта ҳажмларга эга. Навоий унинг «Жавоҳир ут-тафсир» китоби ҳақида ёзаркан, «ал-Бақара» сурасини бир мужаллад (жилд) битибдурким, «юз жуз бўлғай» дейди.¹

Воиз Кошифий ўз даврining етук олими бўлиб, катта шон-

шуҳрат эгаси бўлишига қарамасдан, унинг ижодини батафсил қамраб олувчи бирорта йирик монографик иш амалга оширилмаган.²

Биз Али Сафийнинг дадаси Воиз Кошифий ҳақида бироз тўхтаб ўтдик. Сабаби шуки, Али Сафийнинг дунёқарашига дадаси, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатган ва улар бир даврда ўзаро ҳамкорликда ижод билан машғул бўлганлар. Воиз Кошифий ва унинг ижоди ҳақида баъзи ишлар амалга оширилган бўлса-да, ўғли Али Сафий ва унинг ижоди ҳақида Марказий Осиёда деярли ҳеч қандай илмий иш амалга оширилмаган. Унинг «Рашаҳот» китобидан фойдаланган баъзи олимлар йўл-йўлакай у ҳақда фикр билдириб кетганлар.³ Унинг «Литойиф ут-тавойиф» («Ажойиб латифалар») асари рус ва қисқартмаси ўзбек тилига таржима қилинган бўлса-да, бироқ унинг ижоди ва таржимаи ҳоли деярли ёритилмаган. Айрим замонавий мақолаларда ота ва боланинг асарлари ўзаро чалкаштирилиб юборилган.

Али Сафийнинг тўлиқ исми Али Сафий ибн Камолуддин Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифий 1463 йил 11 февралда Сабзаворда туғилган, сўнг ота-онаси билан Ҳиротга келган.

У билан Хожа Аҳрор ўртасида бўлиб ўтган савол-жавобдан буни билиб олиш мумкин. «Биринчи марта Самарқандга келиб, ул ҳазрат билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимда: «Қаердан бўласан?» деб сўрадилар. Мен: «Туғилган ерим Сабзавор, аммо Ҳиротда нашъу намо топибдурман» деб жавоб бердим» деб ёзади Али Сафий.

Али Сафий замонасининг етук олимларидан бири бўлмиш ўз дадасидан дарс олган, шунга карамай, Ҳирот мадрасаларида ҳам илм ўрганган бўлиши турган гап. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий бошлиқ Ҳирот уламолари ичида аралашиб юрганини унинг «Латойиф ут-товойиф» («Ажойиб латифалар») номли асаридан билиб олиш мумкин. Бу асарда Жомий, Навоий ва бошқа олимлар, шоирлар ўртасида бўлиб ўтган қизиқ ҳикоялар ва латиф сўзлар ўз ифодасини топган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу асар рус тилига ва ўзбек тилига (қисқартириб) таржима қилинган.

Али Сафийнинг Абдурахмон Жомийга қайноға бўлиши

олимлар, ҳамда давлат арбоблари билан осонгина учраша олишига сабаб бўлган. У Жомий олдига истаган пайтда кела олар эди. Сафий тахаллусини ҳам унга Жомий берган эди. Бунинг тафсилоти шундай: Фахруддин Али ўзига Зиё деган тахаллус танлайди. Бу ҳақда Жомийга маслаҳат солади. Шунда Жомий: «Сен Зиё тахаллусингни ўғлимга бер, ўзингга эса Сафий деб тахаллус қил» дейди. Шундай қилиб, Фахруддин Али ўзига Сафий деб тахаллус қилади. Жомий эса ўғлига Зиёуддин деб от қўяди. Араб грамматикасига оид «Фавоиди Зиёийа» («Зиёуддинга фойдалар») асари шу ўғлига бағишланган эди. Али Сафий Хожа Аҳрор ҳузурига ҳам Жомий воситаси орқали етади.

Али Сафий йигирма ёшидаёқ ўша даврдаги мадраса илмларини эгаллаб бўлган эди. Ҳали йигирмага тўлмаган йигитнинг ўзига тахаллус қўйиб, Жомий ҳузурига бориши ҳам бунга далил була олади. Шарқда одатда кишилар диний ва дунёвий илмларни эгаллаб бўлганларидан сўнг энди тариқатга қизиқиб, тасаввуф йўлини ихтиёр қилар эди. Айниқса, Ҳиротда ўша даврдаги Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, Хожа Аҳрорнинг дўсти Саъдуддин Қошғарийнинг таъсири кучли бўлиб, Жомий шул зотнинг муриди эди. Али Сафийнинг дадаси Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам Машҳадда эканида туш кўрган ва Саъдуддин Қошғарийнинг ишораси билан Ҳиротга келиб, Саъдуддин Қошғарийдан сўнг бу оқимнинг йирик намояндаси бўлмиш Жомий билан учрашиб, ўзини муридликка қабул қилинишини сўраган эди.⁴ Навоий ҳам шу оқимга мансуб эди. Жомий, ҳамда бошқа суфийлар таъсиридан Али Сафий ҳам четда қололмасди. Айниқса бу даврга келиб, самарқандлик Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Аҳрорнинг (1404-1490) таъсири бутун Хуросонга ёйилган эди. Жомий Хожа Аҳрор билан учрашиш учун айтайлабдан Самарқандга келган эди. Жомий ва Навоий ўз асарларида Хожа Аҳрорга алоҳида боб ва саҳифалар ажратган эдилар.⁵

Шундай қилиб, Али Сафий 889/1484 йили Қаршида Хожа Аҳрор билан учрашади ва тўрт ой давомида унинг хизматида бўлади. 893/1487 йилда яна Самарқандга келиб, саккиз ой хизматда туради. У Хожа Аҳрор ҳамда унинг ўғилларидан кўп

илтифотлар кўради. Али Сафий Хожа Аҳрордан сўнг ёзиб олган нарсаларини китоб шаклига келтиришга қасд қилади. Ўзининг ёзишича, ҳар хил тўсиқлар пайдо бўлиб, охири 909/1503 йили, яъни Хожа Аҳрор вафотидан 13 йил ўтгач, ёзиб тугатади ва уни «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») деб атайти. «Ажойиб тасодифлардан бири шуки, — деб ёзади муаллиф, — китобнинг номи унинг ёзилиш тарихини (абжад ҳисоби бўйича) ифодалайдиган бўлиб чиқди».

«Рашаҳот» китоби Хожа Аҳрори Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, бироқ унда бошқа шайхларнинг ҳам таржимаи ҳоллари берилган. Бунинг сабабини муаллиф қуйидагича тушунтиради. Хожа Аҳрор қаердаки бирор шайхнинг номини тилга олган булса шу шайхнинг қисқача таржимаи ҳоли берилди, дейди у. Муаллиф табаррукан сўзни турк машойихларидан (Хожа Аҳмад Яссавий силсиласидан) бошлайди.

«Рашаҳот»да келтирилган воқеалар, асосан, муаллифнинг ўз кўзи билан кўрган ёки ишончли кишилар оғзидан ёзиб олинган воқеалардан иборатдир. XV-XVI асрдаги сиёсий ва ижтимоий воқеаларни ёритишда кўплаб олимлар «Рашаҳот»га мурожаат қиладилар. «Ўрта Осиёнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда ас-Сафийнинг айниқса, «Рашаҳот» асари муҳим ўрин тутати, — деб ёзган эди Б. Аҳмедов.⁶

Бундан ташқари «Рашаҳот» Ўрта Осиёда ҳукм сурган тариқатларни, умуман, тасаввуф тарихини ўрганишда, бу ерларда яшаган машҳур олимлар ва шайхларнинг ҳаётини тадқиқ этишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Асар мукаддима, уч боб ва хотимадан иборатдир.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида унинг бир қанча қўлёзма нусхалари сақланмоқда. 1890, 1897, 1906 йиллари Ҳиндистонда нашр этилган. 1911 йили Тошкентда ҳам чоп этилган. Араб тилига таржима қилинган нусхаси (1852, 1889) ҳамда Усмонли турк тилига қилинган таржималари (1888) ҳам нашр этилган. Хоразмда ҳам эски ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Али Сафий 939/1532 йилда вафот этган. Энди эса «Рашаҳот»да Андоқий ҳақида келтирилган маълумотлар билан танишайлик.

Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн Андоқий 464/1071 йилда Бухоронинг Андоқ қишлоғида туғилган. «Рашаҳот» муаллифи Андоқ қишлоғи ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ва Самъоний «Ансоб»да келтурубдурким, Марвда яна бир деҳа турур, шаҳарнинг икки фарсахлик еридаким, ани ҳам Андоқ дерлар ва Андоқ муарраби Андоқ турур, лекин Андоқий Марвдан эмас, балки Бухоронинг Андоқ қишлоғида таваллуд топган».⁷

XVI асрдаги маълумотдан кўриниб турибдики, қишлоқнинг асл исми Андоқ бўлиб, араблар уни Андоқ тарзида талаффуз қилганлар. Али Сафий Бухородаги Андоқни Бухоро шаҳаридан уч фарсах узоқликда жойлашганини айтади.

Ёшлигидан илм олишга қизиққан Андоқий Бухорода мадрасада ўқишни давом эттиради. Ўша пайтда Бухорога Юсуф Ҳамадоний келади. Юсуф Ҳамадонийнинг таърифини эшитган Андоқий шайх ҳузурига келади. Юсуф Ҳамадоний уни муридликка қабул қилиб, уларга ҳам зикр айтишдан таълим беради.⁸

Озгина риёзат билан машғул бўлгандан сўнг унинг тариқат йўлидаги мартабаси ошади.⁹ Тариқат йўлида у буюк мақомга эришган эдики, ҳатто тариқат йўл-йўриқларини адо этиш билан банд бўлган Хожа Андоқий ўз оиласининг кундалик аҳволини танг ҳолга тушиб колганига аҳамият бермай қўяди. Бу ҳолни кўрган устози Юсуф Ҳамадоний бир куни Хожа Андоқийни ўз ҳузурига чақиртириб, унга насиҳат қилиб: «Сен дарвишсан, лекин оиланг ҳам бор. Риёзатга ҳаддан зиёд берилиб, ўз оиласини унутиб, уларни ночор аҳволга солиб қўйиш, бу ақлли одамнинг иши эмас. Бу ишинг ақлга ҳам, шариатга ҳам тўғри келмайди», — дейди. Шунда Андоқий ўз устозига шундай жавоб беради: «Менинг ҳолим фақат риёзат ва тоат-ибодатга етади, бошқасига етмайди». Бу жавобдан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг жаҳли чиқади ва Андоқийни уришиб беради. Ўша оқшом Хожа Юсуф Ҳамадоний Ҳақ таъолони тушида кўради. Ҳақ таъолодан Юсуф Ҳамадонийга шундай хитоб келди: «*Ё Юсуфу, инна аътайнокал басорату ва аътайнал-Ҳасан басората ва-л-басийра*», яъни «Эй Юсуф, мен сенга

ақл бердим ва Ҳасанга буюк ақл ва кўнгилни бердим».¹⁰

Бу тушдан сўнг Юсуф Ҳамадоний Андоқийни бағоят азиз тутди ва умрининг охирига қадар унга дунёвий ишлардан бошқа оғиз очмади. Андоқий бутун куч-куватини фақат тариқат йўлига сарфлади. Бу ҳақда «Рашаҳот» муаллифи шундай дейди: «Андоқий ўз даврининг буюк шайхларидан бири ва тариқат йўлида энг яхши инсонлардандир».¹¹ У кўп вақтини муридларнинг тарбияси ва халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло йўлига даъват этиш билан шуғулланади. У Мустафо (с.а.в.)нинг одоб ва суннатларига тобеъ бўлган ҳолда, барча амалларини ҳам ўз вақтида бажарар эди.¹² Бир неча йил Юсуф Ҳамадоний ҳузурида бўлган Андоқий ўз устози билан Хоразм ва Бағдод сафарига ҳам бирга бўлади.

1140 йилда Юсуф Ҳамадоний вафот этади. Вафоти олдидан васият қилиб, шундай дейди: «...Мени Хожа Абдуллоҳ Баррақий ювсин, Хожа Ҳасан Андоқий қабрга қўйсин...».¹³ Бу устоз томонидан шогирдга кўрсатилган буюк илтифот эди.

«Рашаҳот» муаллифи Али Сафий «Ансоб» муаллифи Самъонийнинг Андоқий ҳақидаги маълумотини келтирган. Бу ҳақда тухталишдан аввал Самъонийнинг ўзи ким эди, деган саволга жавоб берайлик.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ат-Тамимий ал-Марвазий 506/1113 йилда Марвда туғилган.

Отаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъоний (466/1074-510/1116) ўз даврининг таниқли шоири, филологи, ҳадисшунос ва ҳуқуқшуноси бўлган, бир неча асар ҳам ёзиб қолдирган, 40 ёшида вафот этган.¹⁴

Самъонийнинг ота-боболари илм аҳлларида бўлиб, адабиёт, ҳадисшунослик ва фикҳ (ҳуқуқшунослик) билан шуғулланганлар. Илмий муҳитда туғилиб, вояга етган Самъоний ёшлик чоғиданоқ илмга чанқоқ бўлган. У амакиси, ўз даврининг таниқли ҳадисшуноси, тарихчи ва фикҳшунос олими Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Абулмузаффар Мансур ас-Самъоний (468/1075-531/1186)дан «Марв тарихи»ни ўрганади.¹⁵ Самъоний ёшлиқдан яхши илм олади. Самъонийлар оиласи кўп сафарларга бориб туришарди, шунинг учун ҳам ёш Самъоний биринчи сафарини ўзининг амакиси Аҳмад ибн Мансур ас-Самъоний

билан Нишопурга қилади. Кейин кўп йиллар Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ, Ҳижоз, Сурия ва Табаристон шаҳарларини бориб кўради. Бағдодда 8 йил истиқомат қилади. Шу давр ичида 2 марта Маккага ҳаж сафарига бориб келади.¹⁶ Шунингдек, Рай, Ҳамадон, Дамашқ, Куфа, Басра, Тус ва Қуддус шаҳарларини ҳам кўриб, у ердаги олимлар билан учрашади. Бағдодда у ўзининг биринчи асари «Зайл тарихи Бағдод» («Бағдод тарихининг давоми») деган асарини ёзишни бошлайди.¹⁷

Самъоний ўз даврининг кўпгина таниқли олимлари билан таниш бўлган. Улар билан алоқада бўлган ҳамда ёзишмалар қилиб турган. Шундай олимлардан бири суриялик машҳур тарихчи олим Ибн Асокир билан алоқасини узмаган. Ибн Асокир ўз даврида 50 томдан иборат «Дамашқ тарихи» асари билан машҳур бўлган.¹⁸

538/1143-44 йилларда Самъоний Марвга кайтиб келади ва уйланади. Оилани тебратиш мақсадида ал-Амидия мадрасасида мударрислик қилади. Кейинроқ Самъоний ўз ўғли Абдулраҳим билан Ўрта Осиё буйлаб саёҳат қилади. У Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф, Термиз шаҳарларида бўлади.

Самъоний ўз даврида кўпгина асарлар ёзиб қолдирган. Лекин унинг «Китоб ул-ансоб» китоби ўз даврининг таниқли шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи асар сифатида алоҳида диққатга сазовордир. Асарда муаллиф ўзидан олдин ўтган ва ўзи ҳамсуҳбат бўлган шайхлар ҳақида кўпгина маълумотларни ёзиб ўтган.

Самъоний ўзининг «Ансоб» китобида Андоқий ҳақидаги қуйидаги маълумотни келтиради: «Мен аввал Марвда, Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хонақоҳларида эдим. Улар билан суҳбатлашдим (яъни Андоқий билан), лекин уларни (Андоқийни) танимадим. Ўша вақтда Бухорога бордим, улар билан учрашиб, суҳбатида бўлдим, қайтиш тараддудини қилиб юрган эдим».¹⁹

«Ансоб» муаллифи давом этиб ёзади: «У зоти муборак (яъни Андоқий) мени бағоят икром билан қутиб олдилар. Улардан табаррук сифатида бироз ҳадис ўргандим. Улар ҳадисни шайхимиз ва устозимиз Юсуф ал-Ҳамадонийдан ўрганган эдилар».²⁰

Маълумотдан кўриниб турибдики, ўз даврининг йирик олими, кўплаб асарлар муаллифи Самъоний Андоқийдан ҳадис илмини ўрганган экан. Андоқий ҳам Ҳамадонийдан нафақат тариқатни, балки бошқа фанлардан ҳам таълим олган экан.

Али Сафий Андоқийнинг қабри қаердалиги ҳақида шундай ёзади: «Ва қабри муборақлари Бухорода Калобод дарвозасининг ташқарисиди Шайх Абу Бакр Исҳоқ Калободийнинг мақбараларида, Шайх қабрларининг кунчиқар тарафиди турурлар...».²¹

«Рашаҳот»даги маълумотга қараганда, Андоқий 552/1157 йилда, рамазон ойининг 26-сида вафот этган.

Андоқийнинг ота-боболари ҳам олим кишилар бўлган. «Рашаҳот»даги маълумотга қараганда, Андоқий ўз даврининг имоми, олими, фақиҳи Абдулкарим Абу Ҳанифа Андоқийнинг набираси бўлган ва бу зот ўз навбатида машҳур олим, Шамс ул-аимма (олимларнинг қуёши) лақабини олган Ҳалвойининг шогирди бўлган.

ТОҲИР ЭШОН ХОЖА АНДОҚИЙ ҲАҚИДА

Хожа Ҳасан Андоқийнинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот берувчи манбалардан бири «Тазкираи Нақшбандия» асаридир.

Унинг муаллифи Тоҳир Эшоннинг тўлиқ исми Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий бўлиб, у XVIII асрда яшаб, ижод этган.²²

XVIII асрдаги сиёсий ҳам маданий муҳитда туғилиб, вояга етган Тоҳир Эшон ёшлик чоғидан илмга чанқоқ бўлди. Унинг асарига диққат билан назар соладиган бўлсак, у адабиёт, тарих, фалсафадан хабардор бўлганини кўрамиз. Тоҳир Эшоннинг 3 та асари ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.²³ Унинг асарлари ичида диққатга сазовори «Тазкираи Нақшбандия»дир. Мазкур асарнинг 8та нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.²⁴ Мазкур асар Тоҳир Эшоннинг пири Қози Омон Термизий (в. 1721 й.) топшириғи билан ёзилган.²⁵ Бу ҳақда муаллиф қуйидагиларни ёзади: «...Хожагон тариқати (шайхлари) тўғрисида китоб ёзишингни истайман. Китобда ўз истеъдодинг

қудрати билан уларни табақа-табақа баён қил. Бухоро, Балх, Самарқанд ўртасида юриб (улар тўғрисида маълумот тўплагин) ва бу китобни форсий ва арабий тилда ёзгинки, одамлар ундан баҳра олсин...»²⁶ «Тазкираи Нақшбандия» асарида тасаввуф тарихида Хожагонлар (Нақшбандия) тариқати ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган 321 та машойихларининг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар келтирилади.²⁷ Шунингдек, унда аштархонийлар сулоласидан бўлган Бухоро амирлари Субҳонқулихон Муҳаммад Баҳодурхон (1091/1680-1114/1702) ва шайбонийхонлардан Убайдуллахонлар ҳақида ҳам маълумотлар бор.²⁸

Тоҳир Эшон ўз асарида Хожагонлар тариқатининг ривожланишига ҳисса қўшган шайхлардан бири Хожа Ҳасан Андоқий ҳақида ҳам маълумотлар берган.

Тоҳир Эшон ўз асарида Хожа Ҳасан Андоқийнинг туғилган ва яшаган жойи ҳақида ёзаркан, унинг жуда олийжаноб инсон, буюк шайх эканлигини баён қилади. Жумладан, у Андоқийнинг қуйидаги сифатларини кўрсатади: «Ул бузруквори аҳли халойиқ ва соҳиби асрори дақойиқ, орифи некфитрат, мавсуф ба сифати шарият ва тариқат ва ҳақиқат, имоми тақийу нақий, аъно ҳазрати Хожа Ҳасан Андоқий (р.а.)дурлар».²⁹ Демак, Тоҳир Эшоннинг ёзишича, ҳазрати Хожа Ҳасан Андоқий ҳақиқат аҳлининг улуғи, нозик илмлар сирининг эгаси, қалби пок ориф, шарият, тариқат ва ҳақиқат нури билан безанган, тақволи ва покдил имомдир. Яна Тоҳир Эшон «Тазкираи Нақшбандия» асарида Хожа Ҳасан Андоқийни Хожагонлар тариқатининг йирик намоёндаси Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот берар экан, қуйидаги байтни келтиради. Байт:

*Боз аз Юсуфам ба Андоқий,
Нисбат омад зи соқийи боқий.³⁰*

Мазмуни:

*Боқий сифатли Юсуф (Ҳамадоний)дан,
Андоқийга авлиёлик нисбати келди.*

Байтдан кўриниб турганидек, Юсуф Ҳамадонийдаги валийлик

қуввати Андоқийга ўтган.

Тоҳир Эшон ҳам бошқа манбалардаги каби Андоқийнинг Андоқдан эканини, Андоқ билан Бухоро ўртаси уч фарсах эканини ёзади. «Хожа Ҳасан Андоқий, — деб ёзади Тоҳир Эшон, — ўз замонида улуғ шайх эрди, ҳаммага писандида (ёқимли) ва мақбул тариқат жодасида муқим бўлиб, муридларнинг тарбиятига машғул бўлиб, халойиқларни рост йўлга далолат қилур эрди».³¹

Маълумотдан кўриниб турибдики, Андоқий ўз даврида барча учун севимли бўлиб, халқни тарбиялашда катта фаолият олиб борган. Тоҳир Эшон ўз асарига маълумот йиғар экан, керакли асарларнинг ёки улуғ шайхларнинг қабрларини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилган. У Андоқийнинг қабрини ҳам зиёрат қилиб, ўша вақтдаги ҳолатини баён қилади. «Хожа Ҳасан Андоқийнинг қабри муборағи, — деб ёзади Тоҳир Эшон, — Бухорода Калобод дарвозасининг ташқарисидадур, ҳоло бу вақтда анга Дарвозаи Мазор дерлар. Қабрининг мавзеъи шайх Абу Исҳоқ қабрининг кунчиқарида».³² Демак, XVIII асрда Андоқийнинг дафн этилган ери Дарвозаи Мазор деб аталган.

Тоҳир Эшон Ҳамадонийнинг халифалари бўлган Андоқий ва Баррақийнинг қабрлари бир жойда эканини таъкидлайди: «Хожа Андоқий Баррақий қабрининг орқа тарафидадур, ҳамоно икки қабр бир ерда муттасил (бир-бирига ёпишган)декдур. Ва икки биродари ҳампир бир жойда мадфун (дафн бўлган)дурлар».³³

Биз бундай маълумотни бошқа манбаларнинг бирортасида ҳам учратмаймиз. Демак, биз Андоқийнинг қабрини обод қилишга ва уни зиёратгоҳга айлантиришга уринар эканмиз, у билан ёнма-ён дафн қилинган Баррақий қабрини ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим бўлади.

Тоҳир Эшон Бухорога борганда бу ҳар икки зотнинг қабрини зиёрат қилади. Чунончи у шундай ёзади: «Роқими фақир (ёзувчи, яъни муаллиф) мулла Тоҳир Хоразмдин сафар қилиб ҳижратнинг 1144/1731 йили эрдиким, Бухорои шарифга бордим. Ондин сўнг Хожа Абдуллоҳ (Баррақий) ва Хожа Ҳасан (Андоқий) қабрларини зиёратига бордим. Хожа Ҳасан қабри

йиқилиб эркандур. Хожа Андоқийнинг қабридаги кўҳна бўлиб, қарийб йиқилмоққа оид бўлиб эркандур».³⁴

Демак, Тоҳир Эшон бу икки зотнинг қабрларини ўз кўзи билан кўришга мушарраф бўлган. 1731 йили бу қабрлар деярли харобага юз тутган экан.

Тоҳир Эшоннинг ёзишича, у икки марта 1159/1746, яъни 15 йилдан сўнг яна Бухорога боради. Яна бу икки зотнинг қабрини зиёрат қилади. «Аввалги кўрганимдек, кўҳна бўлиб турган эркон», деб ёзади у. Тоҳир Эшон давом этади. «Ул зоти шарифларнинг ёрон ва авлодларига васият бўлдики, алар тафтиш этуб, зиёраттоҳларни тартиб бериб, қабрларин бино этгайлар, ул икки азизлар икки дунёда ҳам мадад бергайлар. Аллоҳ таъоло бу икки зотга, авлодларига аҳбоб ва асҳобларига раҳматини сочгай».³⁵

Маълумотдан маълум бўлишича, XVIII асрда ҳам Андоқий ва Баррақийнинг қабрлари илм аҳллари орасида машҳур бўлган. Бироқ ўша пайтда нафақат одамлар, балки унинг авлодлари ҳам харобага айланган қабрларни обод қилишга эътибор бермаган. Тоҳир Эшоннинг кўрсатмасидан сўнг мазкур қабрлар тикланган ёки тикланмагани маълум эмас. Бу ҳақда Тоҳир Эшоннинг асарида бошқа маълумот учрамайди.

МАВЛАВИЙ ФУЛОМ САРВАР ХОЖА АНДОҚИЙ ҲАҚИДА

«Хазинат ул-асфиё» («Мусаффо кишилар хазинаси») асари Мавлавий Фулом Сарвар ибн муфтий Фулом Муҳаммад ал-Лоҳурий қаламига мансуб форсий тилда ёзилган ва икки жилддан иборат асардир.

Унда Қодирия, Чиштия, Нақшбандия, Мужаддадия каби тариқатларга мансуб 712 та шайхнинг таржимаи ҳоли келтирилган. Асарнинг ёзишга бошлангани ва тугаллангани шеърда ифодаланган:

*Гашт пур аз атои Изади пок,
Канзи ҳубий ва ганжи маҳбубий
Ибтидойаш «хазинаи хўб» аст,
Интиҳояш «хазонаи хўбий».*

*(Яхши хазина ва севимли бу ганж,
Пок Парвардигор ҳаҷаси билан тўлди.
Бошланиши «хазинаи хўб»дир,
Тугаши эса «хазонаи хўб»дир).*

Шеърдаги «хазинаи хўб»дан абжад ҳисоби бўйича 1280/1863, «хазонаи хўб»дан эса 1281/1864 йил чиқади. Асар 1902 йили Конпурда тошбосма усулида нашр этилган.

Асарнинг тўртинчи махзани (боби) нақшбандия тариқатига бағишланган. Муаллиф сўзни Салмони Форсийдан бошлайди. Унда Ҳамадоний, унинг тўрт халифалари Баррақий, Андоқий, Яссавий ва Ғиждувонийлар, сўнг Ғиждувонийнинг халифалари, Нақшбанд ва унинг ҳалифалари ҳақида баён қилинган. Муаллиф негадир Яссавия тариқатининг вакиллари ҳам Нақшбандияга қўшиб юборганини кўриш мумкин. Муаллиф асарда Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобидан кенг фойдаланган.

«Хазинат ул-асфие» муаллифи Андоқийга катта баҳо беради ва уни аъозими машойих (машойихларнинг улуғларидан) дейди. Унинг ўз замонида машҳур шайх бўлганини, тутган йўллари барчага мақбул эканини, халқни тўғри йўлга даъват этишда фарид уд-даҳр (даврнинг яғонаси) ва ваҳид ул-аср (асрнинг дурдонаси) бўлганлигини баён қилади. Унинг ёзишича, Андоқий доимий риёзатда, ибодатда ва суннатларни адо қилишда замонасининг яғоналаридан бўлган.

Асар муаллифи бошқа манбаларда зикр қилинган ва Ҳамадоний билан унинг ўртасида бўлиб ўтган ҳикояни келтиради. Муаллифнинг таъкидлашича, Андоқий 552/1157 йили 26 рамазонда вафот қилган бўлиб, 27 рамазон кунини дафн этилган. Муаллиф бу ҳақда ўзи ёзган қуйидаги китъани келтиради:

*Чун Ҳасани муҳсин валий аҳли Ҳасан,
Аз жаҳон варзид гар жаннат ватан.
Соли васлаш «фатҳи дин» омад аён,
Ҳам рақам шуд «орифу обид» Ҳасан.*

Мазмуни:

*Яхши инсонлардан бўлган яхшилик қилувчи Ҳасан,
Жаҳондан кетиб, жаннатдан жой олди.*

*Вафотининг йили «фатҳи дин» бўлди,
Яна «орифу обид» ҳам (вафот) йилидир).³⁶*

Муаллиф Баррақий ҳақида ҳам маълумот келтириб, унинг ҳам Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг муриди эканини кўрсатади ва уни ҳам машойихларнинг улуғидан ва дин уламоларнинг машҳурларидан деб ёзади. Баррақийнинг вафот йилини қуйидаги шеърда баён қилган:

*Хожа Баррақий валийи абри ато,
Аз жаҳон чун барқ рафт ангар жинон.
Риҳлаташ «кошифи валийи Ҳақ» бигу,
Низ «Абдуллоҳ амин Баррақий» бихон.*

Мазмуни:

*Булут каби ато қилувчи Хожа Баррақий валий,
Жаҳондан яшин каби жаннатга кетди.
Вафот йилини «кошифи валийи Ҳақ» дегин,
Яна «Абдуллоҳ амин Баррақий» деб ўқи.³⁷*

НОСИРИДДИН АЛ-БУХОРИЙ ХОЖА АНДОҚИЙ ҲАҚИДА

«Тухфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга туҳфа») китоби бухоролик Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳасаний ал-Бухорий қаламига мансуб форс тилидаги асардир. Унда Бухоро ва унинг атрофида дафн этилган улуғ олимлар ва тасаввуф аҳлларининг номлари, туғилган ва вафот қилган йиллари, устозлари ва шогирдлари, ёзган асарлари қисқа ва лўнда қилиб ифодаланган. Асарни «йўл курсаткич» деб аташ ҳам мумкин. Муаллифнинг мақсади ҳам шундан иборат бўлган.

Муқаддимада муаллиф китобнинг ёзилиши ҳақида сўзларкан, кўпдан буён аввал ёзилган турли китобларни ўқигани, улуғ олимлар ва шайхларнинг ҳаёти ва силсиласини ўрганишга жаҳд қилгани, Муъин ул-Фуқаронинг «Тарихи Муллазода» асари ўзини қизиқтирганини айтади. Оқибатда ўзи ҳам бу улуғларнинг номлари ва қабрлари ҳақида бир китоб ёзишга қарор қилиб, уни 1324/1906 йилда тугатгани ҳақида ёзади.

Муаллиф асарни ёзишда фойдаланган китобларнинг

руйхатини келтиради. Улар қуйидагилардир: «Нафаҳот ул-унс», «Рашаҳот», «Маноқибӣ ҳазрати Амир Кулол», «Мазҳар ул-ажойиб», «Фавойиди мунтахаба», «Самарот ул-машойих», «Тухфат ул-аҳбоби Шохӣ», «Тухфат ул-аҳбоб», «Маноқибӣ ҳазрати ҳожи Ҳабибуллоҳ», «Тухфат ул-ансоб» ва Тоҳир Эшоннинг асарлари.

Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, у маълумотларни мухтасар ва лўнда, ибораларни равон ва омма тез тушуна оладиган, яқинлар, давлат кишилари ёки зиёратчиларга қулай қилиб ёзади. Бу асар Бухоро ва унинг атрофида яшаган олимлар, давлат аъёнлари, тасаввуф аҳлларининг тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Асар муаллифи Хожа Ҳасан Андоқий ҳақида қисқа маълумот келтиради ва ундан Андоқийнинг барча хислатларини мўъжаз ибораларда кўрсатади. Асарда Хожа Ҳасаннинг нисбаси Андоқ эмас, балки Ондуқий деб кўрсатилган. У Андоқийнинг қалби сафога эга бўлган киши эканлигини, умрини ибодат ва риёзатда ўтказганини ёзади. Қабри эса Бухорода Калобод дарвозасининг ташқарисида экани кўрсатилган.

Муаллиф Андоқий сифатларини ёзиш билан бирга Хожа Абдуллоҳ Баррақийнинг ҳам сифатларини баён қилиб кетади. Жумладан унинг ориф, олим, улуғ каромат ва мақомотлар соҳибӣ бўлганлигини таъкидлайди. Қабри эса Шуристон пули (пули Шуристон)да Шайх Абу Бакр Исҳоқ Калободий қабри яқинида экани кўрсатилган. Уларнинг вафот таърихи бу ерда зикр этилмаган.

¹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Ўн иккинчи том. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, Б. 124.

² Эрон олими Саъид Нафисий, афғон олими М.Х.Бехруз, ўзбек оимлари Ҳ.Алиқулов, С.Усмонова ва Н.Комиловнинг Воиз Кошифий асарлари ҳақидаги айрим ишларигина мавжуд.

³ Мазкур олимлар қатори Б.Аҳмедов, Э.Қутибоев, Р.Тиллабоев, таржимон К.Қаҳҳороваларни киритиш мумкин.

⁴ Рашаҳот, Б. 144.

⁵ Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: И. Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Тошкент «Фан», 1984.

⁶ Б.Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1991.

⁷ Рашаҳот, Б. 7-8.

⁸ Хожайи жаҳон, Б. 21.

⁹ Рашаҳот, Б. 8.

- ¹⁰ Ўша китоб, ўша бет.
- ¹¹ Ўша китоб, Б. 7.
- ¹² Рашахот, Б. 7.
- ¹³ Хожай жаҳон, Б. 21.
- ¹⁴ Камолиддинов Ш.С. Китаб ал-Ансаб ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1993, Б. 12.
- ¹⁵ Камолиддинов Ш., Б. 12.
- ¹⁶ Ўша асар, Б. 13.
- ¹⁷ Ўша асар, ўша бет.
- ¹⁸ Ўша асар, ўша бет.
- ¹⁹ Рашахот, Б. 7.
- ²⁰ Ўша асар, ўша бет.
- ²¹ Ўша асар, Б. 8.
- ²² СВР, т. III, № 2694; М.Раззоқова. «Тазкирай нақшбандия» тасаввуф тарихига оид муҳим асар. // Шарқшунослик, 2002, № 11. Б. 45.
- ²³ Ш.Бобохонов, М.Абдулазиз. Нақшбандия тариқатига оид қўлёрзмалар фихристи. Тошкент, Мовароуннахр, 1993, Б. 16-19.
- ²⁴ М. Раззоқова.// Шарқшунослик, 2002, № 11. Б. 46.
- ²⁵ Ҳ.Тўраев. «Тазкират ул-авлиё» — Бухоро маънавий ҳаётига доир муҳим асар. // Истиқлол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши. Тошкент, 2001. Баёнлар тўплами, Б. 42.
- ²⁶ Ҳ. Тўраев. «Тазкират ул-авлиё, Б. 43.
- ²⁷ М.Раззоқова. // Шарқшунослик, 2002, № 11, Б. 46; Ҳ.Тўраев. Тазкират ул-авлиё, Б. 41.
- ²⁸ Ш.Бобохонов, А.Мансур, Б. 73.; Н. Жабборов. Тоҳир Эшон Урганжийнинг «Ул Убайдий Султонхон» қиссаси. // Истиқлол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши. Хоразм — III, Тошкент, 2001. Баёнлар тўплами, Б. 54-58.
- ²⁹ Тазкирай нақшбандия, Б. 3^а.
- ³⁰ Тазкирай нақшбандия, Б. 70^а.
- ³¹ Ўша асар, ўша бет.
- ³² Тазкирай нақшбандия, Б. 71^а.
- ³³ Тазкирай нақшбандия, Б. 71^а.
- ³⁴ Ўша асар, ўша бет.
- ³⁵ Ўша асар, ўша бет.
- ³⁶ Бу ерда абжод бўйича «фатҳи дин» ва «орифу обид»дан 552/1157 йил чиқади.
- ³⁷ «Кошифи валийи Ҳақ» ҳамда «Абдуллоҳ Амин Баррақий»дан 555/1160 йил чиқади.

III БОБ. МАНБАЛАРДА АНДОҚИЙ ВАСФИ

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ

(Али Сафийнинг «*Рашаҳот*» асаридан)¹

Ҳазрати Хожа Юсуф қуддиса сирруҳунинг иккилончи халифалари турурлар ва кунятлари ва оглари Абу Муҳаммад бин Ҳусайн Ондоқий турур. Ва Ондоқ деҳае турур Бухоронинг уч фарсахлик ерида. Ва Самъоний «Ансоб»да келтурубдурким, Марвда яна деҳа турур шаҳарнинг икки фарсахлик еридаким, они ҳам Ондоқ дерлар ва Ондоқ муарраби Андоқ турур. Ва Хожа Ҳасан Бухоронинг Ондоқидан турурлар ва Марвнинг Ондоқидан эрмаслар.

Хожа Ҳасан ўз замонларида шайхи вақт эрдилар ва яхши тариқалари бор эрди муридларнинг тарбиятида ва халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога даъват этмакда. Ва соҳиби сафойи вақт эрдилар. Ва ҳазрати Рисолат (с.а.в.)нинг адабларига ва суннатларининг осорига тобеъ эрдилар. Ва Хожа Юсуф қуддиса сирруҳу бирлан суҳбат тутуб эрдилар ва неча йил олонинг мулозиматларини эттилар ва олонинг асҳоблари ва муридларининг хосларидан эрдилар ва олар била Хоразм ва Бағдод сафарини этиб эрдилар.

Ва яна Самъоний «Ансоб»да ойтиб турурларким, ман аввал Марвда Шайх Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хонақоҳларида эрдим, оларга (яъни Ондоқийга) мулоқот этдим, лекин олонни тонимодим, ондин сўнг Бухорода оларга мулоқот этдим ва олонинг суҳбатларига бориб қайтмоқни тараддудини қилур эрдим ва олонинг суҳбати била табаррук истар эрдим ва олар мани бағоят икром қилур эрдилар. Ва бироз ҳадис олондин таяммун ва таборак расмида устодуно ва шайхуно Юсуф ул-Ҳамадоний қуддиса сирраҳунинг ривоятлари била симоъим бор турур ва валодатларида сана тўрт юз олтмишдан зиёд эрди. Вафотлари рамазон ойининг йигирма олтисига сана беш юз эллик иккида рамазон ойининг йигирма еттилончи кечасига манзили муборакка нузул эттилар. Ва олар имоми

олим ва омили фақиҳи Ҳаққоний Абдулкарим Аби Ҳанифа Ондоқийнинг набиралари турурларким, Шамс ул-аимма Ҳалвоийнинг таломизайи киборларидин эрконлар – раҳимаҳумаллоҳу таъоло.

Манқул турурким, Хожа Ҳасан Ондоқий Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг мулозиматларига борибдурлар ва олордин нисбат ва тариқа олибдурлар. Андак фурсатда давоми машғуллигидин ишлари мартабага етибдурким, кайфияти азим ғолиб бўлур эрди. Ва муҳиммоти зарурийларидин кўби таъвиқ қайдига тушор эрди, авлог ва азвожларининг маишатларига даркор нумарсалар муяссар бўлмас эрди. Бир кун ҳазрати Хожа Юсуф ологга насиҳат этдиларким, дарвиш ва аёлманд турурсиз, баъзи умурга мубошир бўлмоқ зарурий турур, онда ихмол ва амҳол аклан ва шаръан жойиз эрмас. Хожа Ҳасан ойтибдурлар: «Менинг ҳолим бар важҳедурким, бошқа ҳеч ишга мажолим йўқ турур». Ҳазрати Хожага ул сўздин ғайрат бўлуб, ологга итоб эттилар ва қотиғ сўз ойтдилар. Ул оқшом ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони тушда кўрдилар. Ойтдилар: «Ё Юсуфу, инна аътайнокал басарату ва аътайн ал-Ҳасан ал-басорат ва-л-басират», яъни «Эй Юсуф, мен сенга ақлнинг бинолигин бердим ва Ҳасанга ақлнинг ва кўнгулнинг бинолигин бердим». Ҳазрати Хожа Юсуф ул тушни кўргонларидин сўнг алорни бағоят азиз тутдилар ва умури гунавийдигин ҳеч амрга таклиф этмодилар.

Ва қабри муборақлари Бухорода Калобод дарвозасининг тошқорисига Шайх Абубакр Исҳоқ Калободийнинг мақбараларида Шайхнинг қабрларининг кунчиқор тарафида турурлар - раҳимаҳумуллоҳ.

* * * * *

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ (Р.А.)ҲАЗРАТЛАРИНИНГ БАЁНИ (Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи Нақшбандия» асаридан)

Ул бўзурги аҳли ҳақойиқ ва соҳиби асрори дақойиқ, орифи некфитрат, мавсуф басифати шариат ва тариқат ва ҳақиқат, имоми тақийу нақий, аъно ҳазрати Хожа Ҳасан Ондоқий

рахматуллоҳи алайҳдурлар. Ул жаноб ҳазрат Юсуф
Ҳамадонийнинг иккинчи ҳалифасидур. Байт:

Боз аз Юсуфам ба Андоқий,
Нисбат омад зи соқийи боқий.

Мазмуни:

Боқий сифатли Юсуф (Ҳамадоний)дан,
Андоқийга авлиёлик нисбати келди.

Хожа Ҳасан Андоқийнинг куняти Абу Муҳаммад номи мубораки Ҳасан ибн Ҳусайн Андоқий эрди. Бухорои шариф билан Андоқ қаряси ўртаси ўн фарсах эрди. Хожа Ҳасан Андоқий ўз замонида улуғ шайх эрди. Ҳаммага писандида ва мақбул, тариқат жодасида муқим улуб, муридларнинг тарбиятига машғул бўлиб, халойиқларни рост йўлга далолат қилур эрди. Онҳазрат (с.а.в.) суннати саниййаларининг одобида жидду ихтимом кўргузуб, риёзат бирла ҳамиша Аллоҳу таъоло ибодатида сайъ ва иқдом кўргузур эрди. Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний билан ҳамсуҳбат бўлиб, неча йиллар ул ҳазратнинг мулозаматларида бўлур эрди, то ул жанобнинг муриди хоссаларидин бўлиб, сафарда, хоҳ ҳазарда ҳамроҳ бўлиб, пайравлик қилур эрди.

Хожа Ҳасан Андоқийнинг валодати (туғилиши) ҳижрат тўрт юз олтмиш тўртланчи ё бешланчи (1071-72) йилда воқеъ бўлиб, вафоти ҳижратнинг 552/1157 моҳи рамазони шарифнинг йигирмаламчи кунда воқеъ булубдур. Ул жаноб Абдулкарим Абу Ҳанифа Андоқийнинг набираси эрди ва Шамс ул-Аимманинг шогирди рашидларидин эрди.

Роқими фақир Мулла Тоҳир Хоразмдин сафар қилиб, ҳижратнинг 1144/1731 йил эрдиким, Бухорои шарифга бордим. Ондин сўнг Хожа Абдуллоҳ ва Хожа Ҳасаннинг қабрлари зиёратига бордим. Хожа Ҳасаннинг қабрлари йиқилибдур эркан ва Хожа Абдуллоҳ қабри доғи кўҳна бўлиб, қарийб йиқилмоққа оид эркандур. Ва доғи иккиламчи сафардурким, Бухорога яна ҳижратнинг 1159/1746 йили бориб, ул икки азизнинг қабри муборақларини зиёрат этдим. Аввалги кўрганимдек кўҳна бўлиб тургон экан. Ул зоти шарифларнинг ёрон ва авлодига васият

бўлдиким, алар тафтиш этуб, зиёратгоҳларин тартиб бериб, қабрларини бино этгайлар ва руҳларидин истимдог эткайлар. Умиддурким, ул икки азиизлар икки дунёда ҳам мадаг бергайлар. раҳимаҳуллоҳу таъоло ва субҳонаҳу ала авлодиҳи ва аҳбобиҳи ва асҳобиҳи.

* * * * *

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ

(Муҳаммад Дорошукуҳнинг «**Сафинат ул-авлиё**» асаридан)

Кунялари Абу Муҳаммаддур, исмлари Ҳасан ибн Ҳусайндур. Андоқ Бухоро ноҳияларидан биридур. Таваллудлари 460/1067 йилда, вафотлари эса 550/1155 йилда юз берган. Қабрлари Бухорода, Калобод дарвозасининг ташқарисига, Шайх Абу Бакр мазоригадур.

* * * * *

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ

(«**Тухфат уз-зоирин**» асарида)

Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифалари, давр покларидан, доимий ибодат ва риёзат соҳиби эдилар. Муборак қабрлари Бухорода Калобод дарвозасининг ташқи томонида, Шайх қабрининг Шарқий томонида жойлашган.

* * * * *

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ

(Мавлавий Фулом Сарварнинг «**Хазинат ул-асфиё**» асарида)

Шайхларнинг улуғларидан ҳамда Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг улуғ халифаларидан биридурлар. Номлари Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн Андоқийдур. Бухородан олти фарсах узоқда жойлашган Андоқда истиқомат қилганлар. Ўз замонига давр шайхи бўлиб, ёқимли тарикка эга эдилар. Муридларни тарбия қилиш ҳамда халқни тўғри йўлга даъват қилишда фарид ур-

дахр (даврининг яғонаси) ва ваҳид ул-аср (асрининг дурдонаси) эдилар. Шариф аждоглариининг барчаси олим, фақиҳ ва фозил киши эдилар.

Вафотлари 552/1157 йил рамазон ойининг 26-сига рўй бериб, 27 рамазон куни дафн этилган. Мозорлари Бухорода Калобод дарвозаси ташқарисигадур.

Муаллиф шеъри:

Чун Ҳасани муҳсин валий аҳли Ҳасан,
Аз жаҳон варзид гар жаннат ватан.
Соли васлаш «фатҳи дин» омад аён,
Ҳам рақам шуд «орифу обид» Ҳасан.

Мазмуни:

Яхши инсонлардан бўлган яхшилик қилувчи Ҳасан,
Жаҳондан кетиб, жаннатдан жой олди.
Вафотининг йили «фатҳи дин» бўлди,
Яна «орифу обид» ҳам (вафот) йилидир).²

ХОТИМА

Биз Хожа Ҳасан Андоқийнинг турли манбаларга суянган ҳолда таржимаи ҳоли билан танишиб чиқдик. Маълумотлардан кўриниб турганидек, Андоқий ҳақиқатан ҳам ўз даврининг йирик мутасаввифи бўлиб, Хожагонлар тариқатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Одамларни тўғри йўлга солиш, ҳақиқий пок инсонни қилиб тарбиялашда меҳнатини аямаган.

Андоқий ўз давридаги мадраса илмларини пухта ўрганган бўлиб, кўплаб олимлар билан суҳбатдош бўлган ва улардан дарс олган, сафарларда бўлган. Унинг йирик мутасаввиф олим бўлиб етишувида Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тарбияси катта бўлган. Андоқий Шарқ маданияти ва маънавияти тарихида ўзларидан чуқур из қолдирган Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуллоҳ Баррақийлар билан бирга бўлган, тасаввуф ҳамда диний билимларни эгаллашда улар доимо бир-бирлари билан ҳамдам ва ҳамфикр бўлганлар.

Хожагонлар тариқатининг асосчиларидан бўлган Хожа Юсуф Ҳамадоний бошқа халифалари қатори Андоқийга ҳам катта муҳаббат ва ишонч билан қараган. Ҳатто у вафоти олдидан васият қилиб, қабрга Андоқий қўйишини тайинлаган. Баррақийдан сўнг пирлик маснадида Андоқий ўтириши лозимлигини уқтирган.

Андоқийнинг ўз давридаги меҳнатларини ҳисобга олган ҳолда унинг қабрини муборак зиёратгоҳга айлантириш, ободонлаштириш ва номини абадийлаштириш олдимизда турган муҳим бурчларимиздан бири бўлиб қолади.

¹ Бу маълумот «Рашаҳот»нинг Хоразмда ўзбекчага қилинган таржимаси асосида келтирилди.

² Бу ерда абжад бўйича «фатҳи дин» ва «орифу обид»дан 552/1157 йил чиқади.

³ «Кошифи валийи Ҳақ» ҳамда «Абдуллоҳ амин Баррақий»дан 555/1160 йил чиқади.

АНДОҚИЙ

Қутби замон, муршиди пок Андоқий,
Мазҳари Ҳақ, соҳиб идрок Андоқий,
Ҳақ йўлида марди бебок Андоқий,
Меҳри дарё, саховатнок Андоқий,
Маҳбуби Ҳақ, дўсти «лавлок» Андоқий.¹

Тонгдек ёруғ қилди жаҳон шомини,
Йўлдан олди жаҳолатнинг домини,
Нурга кўмди элнинг хосу омини,
Асрларга ёйди Андоқ номини,
Илми қолда чусту чолок Андоқий.

Таълим олиб Бухорода шон топди,
Илми ҳолдан баданига жон топди,
Қудуқ қазди нина билан кон топди,
Қадр топди, илм топди, сон топди,
Фаросатда ақли даррок Андоқий.

Жам бўлдилар бунда барча асҳоблар,
Баррақий-у Яссавийдек аҳбоблар,
Фиждувоний каби ёрқин офтоблар,
Бир-бирига қилиб дарсий хитоблар,
Садоқатда «руҳий фидок» Андоқий.

Ҳамадоний ҳузурида жам бўлиб,
Таълим олиб, бир-бирига шам бўлиб,
Манманлигу кибру ҳаво кам бўлиб,
Илм олмоқ юрагида ғам бўлиб,
Тарки хобу чашми намнок Андоқий.

Халқни Ҳаққа даъват қилди ҳамиша,
Кеча-кундуз ғайрат қилди ҳамиша,
Эли учун ҳиммат қилди ҳамиша,

Маърифатдан суҳбат қилди ҳамиша,
Хоҳи тожик, хоҳи атрок Андоқий.

Олий эди тасаввуфда мақоми,
Кўркам хулққа эга эди тамоми,
Илм билан ўтди умри давоми,
Халқ олдида азиз эди кироми,
Ўзни тутди мисоли хок Андоқий.

Кеча-кундуз эди доим «хуш дар дам»,
Юрган йўлда эди «назар дар қадам»,
Яна «сафар дар ватан»и эрди ғам,
Дилда «хилват дар анжуман» мустаҳкам,
Ёр дардида қалби ғамнок Андоқий.²

Яъни, эди ҳар нафасда ҳуши ёр,
Қадамига доим қилиб эътибор,
Ватан ичра сафар қилиб ихтиёр,
Анжуманда хилвати ҳам барқарор,
Доим эди қалби дарднок Андоқий.

«Ҳубб ул-ватан мин ал-иймон» шиори,³
«Ал-фуқаро ва-л-масокин» қарори,⁴
Тошган моли эди элнинг нисори,
Шу туфайли бўлди юртнинг аброри,
Барча бобда саховатнок Андоқий.

Беш юз эди яна таърих ўттиз беш,⁵
Ҳамадоний ул муршиди ҳайрандеш,
Охиратнинг сафарини тутди пеш,
Тўрт халифа бўлди бағри решу реш,
Барчасидан бўлди ғамнок Андоқий.

Сўнг Баррақий ўтирдилар иршодда,
Сулуқ аҳли яна бўлди ободда,
Беш юз ўтиб, элик икки теъдодда,⁶
Риҳлат қилди, барча қолди фарёдда,
Ғам остида сўлди дарднок Андоқий.

Хожа Ҳасан бўлди сулук арбоби,
Ёруғ қилди эл қалбини офтоби,
Беш юз эди эллик икки ҳисоби,⁷
«Иржиъи» деб етди Ҳақнинг хитоби,
Ҳаққа қайтди кўп тарабнок Андоқий.

Яссавийга етди пирлик даврони,
Туркистонга бўлди охир сайрони,
Беш юз олтмиш икки бўлгач замони,⁸
Етди анга Ҳақнинг «қайтиш» фармони,
Дўсти эди соҳиб идрок Андоқий.

Яссавийким, тутгач Ясси йўлини,
Ғиждувоний олди дўстлар қўлини,
Бил, олти юз ўн еттида йилини,⁹
Тарк айлади Ғиждувоний элини,
Яқин эди анга дилпок Андоқий.

Андоқийнинг номи доим тилларда,
Муҳаббати мустаҳкамдур дилларда,
Боқий қолур яна қанча йилларда,
Муҳиббий ҳам юргай қолу қилларда,
Элига «деб, ғайздан пок»¹⁰ Андоқий.

¹ Қийин сўзлар изоҳи шеър охирида берилган.

² Бу ерда Ҳамадоний ўз шогирдларига айтган тўрт қоида баён қилинмоқда, уларнинг таржимаси кейинги бандда кўрсатилган.

³ Ҳадис: «Ватанни севмоқ имондандур».

⁴ Фақир ва мискинлар яхши кўриш ҳақиқий мусулмон эканлигини баён қилувчи ҳадисга ишора.

⁵ 535/1140 Юсуф Ҳамадонийнинг вафот қилган йили.

⁶ 552/1157 Абдуллоҳ Баррақийнинг вафот қилган йили.

⁷ 552/1157 Хожа Ҳасан Андоқийнинг вафот қилган йили.

⁸ 562/1166 Аҳмад Яссавийнинг вафот қилган йили.

⁹ 617/1220 Ғиждувонийнинг вафот қилган йили.

¹⁰ Бу ерда «деб, ғайздан пок» (қаҳру ғазабдан пок деб) жумласидан абжад ҳисоби бўйича мазкур шеърнинг ёзилган йили, яъни 2003 чиқади.

ЛУФАТ ВА ИЗОҲЛАР

Аброр — пок зотлар

Даррок — идрок килувчи, тушунувчи

«Иржиъи» — Парвардигорнинг ҳузурига қайт, деган оятга ишора

Илми қол — мадрасаларда ўқитиладиган илмлар

Илми ҳол — қалб илми, яъни авлиёлик илми

Иршод — тўғри йўлга йўллаш

«Лавлока» — Парвардигорнинг Муҳаммад алайҳиссаломга, «агар сен бўлмасанг», деб бошланувчи машҳур сўзи. Дўсти лавлок, яъни Пайғамбарнинг дўсти, яхши кўрувчиси маъносида

Мазҳари Ҳақ — Аллоҳ нури зоҳир бўладиган жой

Марди бебок — қўрқмас киши

Муршиди пок — покдил пир

Реш — яра

Рихлат қилмоқ — вафот қилмоқ

Сон топмоқ — обрў-эътибор тошмоқ

Руҳий фидок — жоним фидо маъносида

Тарабнок — хурсанд, шод

Тарки хоб — уйқуни тарк этиш

Теъдод — адад, сон

Хайрандеш — яхшилиқни кўзловчи

Хосу омм — катта ва кичик

Чашми намнок — намлик кўз

Чусту чалок — чаққон

Қолу қил — гап-сўз

Қутби замон — замона қутби, яъни авлиёлар раҳбари

Ҳилм — ҳалимлик, юмшоқлик

СЎНГ СЎЗ

Қизилтепа жуда қадим маданий тарихга эга. Туманнинг чўлашт ҳудудлари билан туташлиги ҳам унинг қадим тарихи, моддий маданиятига сезиларли таъсир қилган.

Қадим ўтмишда одамлар томонидан ўзлаштирилган ерлар Ҳазора дараси бўйлаб кетган Зарафшоннинг икки қирғоқ ҳавзаси Шохруд ва Абу-Муслим шоҳ ариқлари орасидаги ҳудудларда жойлашган. Шимол томонидан туман ҳудудига Қизилқумнинг Ичкиликқум деб аталмиш бир қисми кириб келган. Воҳа Зарафшоннинг чап қирғоғи бўйлаб Чўли Малик, Қизилтепа, Куйимозор адирлари билан жануб томондан Карнабчўл билан туташган. Фарб томонидан воҳа Фиждувон, Вобкент, Бухоро, Когон туманлари, Шохруҳ канали ўзани билан чегараланган.

Туманнинг Зарафшон дарёсидан сув олувчи ўзлаштирилган (маданий) ҳудудида милоддан олдин ирригацияга асосланган суғориш тармоқлари яратилган. Ўйлар, карвонсаройлар бунёд этилган. Ҳунармандчилик кенг миқёсда ривожланган. Қалъалар, қўрғонлар қурилган.

Туман ўтмиш тарихини ўрганишга оид археологик тадқиқотлар 1915 йилдан бошланган. 1952 йилдан эса бу тадқиқотлар мунтазам ўтказилиб, уларга А.Ю. Якубовский, О.В. Обельченко, В.А.Шишкин, академик А.Р. Муҳаммаджонов сингари таниқли археолог олимлар раҳбарлик қилганлар.

Хулоса шуки, Қизилтепа туманининг тарихий ёдгорликлари ўз аҳамияти ва қамрови жиҳатидан нафақат Фарбий Суғд-Бухоро воҳаси, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси учун катта эътиборга сазовордир.

Тарихий маълумотлар билан исботланишича, Бўстон шаҳри Суғдиёна шаҳарларининг энг қадимларидан бўлиб, у 2800-3000 йил билан саналади. Сақланиб қолган Бўстон қалъаси биринчи подшоҳлик пойтахти бўлган.

Тошработда — Сайилтепада бундан уч минг йил аввал Наврўз байрамларини нишонлаш бошланган. Қалъа

қўрғонлардан иборат 58 та ёдгорлик археологлар томонидан ўрганилиб, улар асосида бу маконларда яшаган аждодларимизнинг ҳаёт тарзи ҳақида хулосалар чиқарилган.

Воҳани сув билан таъминловчи Зарафшон дарёси ҳақидаги маълумотлар антик давр тарихчи-географлари Арриан, Квинт Курций Руф ва Страбоннинг мумтоз асарларида учрар экан. Буюк фотиҳ Александр Македонский (Искандар Зулкарнайн) дарёнинг қуйи оқими ботқоқликларини қуритиш учун олтин сувбанд қурдиргани ҳақидаги афсона ҳам қолган.

Тараққиётнинг юқори даражага кўтарилиши, географик муҳит таъсирида Буюк Ипак йўли Бухородан Самарқанд томон Қизилтепа оркали — Дамас, Зармитон, Вангози, Бўстон, Тавоис, Сайилтепадан Ҳазорага ўтган. Дастлаб Дамас жуда катта савдо марказига айланган. Ўрта асрларда Тавоис жаҳон бозори сифатида машҳур бўлган. Бухоро амири ағдарилгунча Ванғозиди қозихона ҳамда йирик ёпиқ бозор фаолият кўрсатган.

Бу манзилларнинг ҳар бири ўша давр талаблари бўйича шаҳар мақомига эга бўлиб, уларда жаҳон бозори андозаларига жавоб берувчи барча шароитлар яратилган. Маҳаллий аҳоли деҳқончиликдан ташқари, ҳунармандчилик билан ҳам кенг миқёсда шуғулланган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт юксалиши натижасида аҳоли нафақат ҳунармандчилик, балки деҳқончиликка ҳам ихтисослашган. Аксарият қишлоқлар номларининг касб-кор билан боғлиқлиги бундан далолат беради. Масалан: Нонвоён, Косагарон, Майизгарон, Читгарон, Калобакашакон (ип йигирувчи), Мўзадўзон, Қаламфуркорон, Лублоҳур ва ҳоказолар. Тумандаги қишлоқлар номларининг қарийб ярми касб-кор билан боғлиқ.

Маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган маҳсулотлар бозорларда харид қилиниб, узоқ ўлкаларга элиб сотилган.

Қизилтепа ҳудудидан буюк Хитой деворини эслатувчи чегара истехком вазифасини бажарган Кампир девор ўтган.

Бу тарихий обида Ўрта Осиё мудофаа истехкомлари меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланиб, унинг тарихи Бухоро воҳаси халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Археолог, тарихчилар томонидан “воҳа девори” номи билан аталган ушбу меъморий, мудофаа истехкоми — Кампир девор

нафақат алоҳида жойлашган бир туркум шаҳар ва қишлоқлар мудофааси учун, балки улкан маданий ҳудуд, бутун бир воҳа, водий мудофааси мақсадлари йўлида узоқ йиллар хизмат қилган.

Самарқанд шаҳри ва унинг теварак-атрофини ўраб турган Девори қиёмат ҳам шундай тарихий иншоотдир.

Қизилтепа ҳудуди қадимда русток-туман, ҳатто вилоят мавқеига эга бўлганлиги ҳақида ҳам тарихий маълумотлар бор.

Ана шундай бой тарихий ўтмишга эга бўлган маконда улут авлиёлар билан чамбарчас боғлиқ муқаддас жойлар кўп. Бўстон қабристонида Хожагонлар тариқатининг асосчиси шайх Боязид Бистомий (188/803-261/874) номлари билан боғлиқ мақбара сақланиб қолган.

Мақбара Республика тарихий ёдгорликларни лойиҳалаштириш институти лойиҳаси асосида қайта таъмирланиб, 8 метр баландликдаги гўзал гумбаз қурилди. Йиқитиб-йўқотилган масжид ўрнида худди ўшандай масжид қурилиб буюк зотнинг руҳи-покларини тавоф этувчиларга барча шароитлар яратилди. Бу қутлуғ қадамжога чет эллардан ҳам зиёратга келишмоқда.

Хўжа Машварад Наби Ажванди, Хўжа Муҳаммад Восеъ, Хўжа Азизон, Қалъаи Азизон, Хўжа Порсо, Хўжа Ҳасан Андоқий каби қутлуғ қадамжоларни халқимиз ардоқлаб келяпти. Қизилтепанинг бой ижтимоий-маънавий, сиёсий, иқтисодий ўтмиш тарихи ҳақида Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ("Бухоро тарихи", X аср), Абу Исҳоқ ал-Фаридий ал-Истахрий ("Йўллар ва мамлакатлар китоби", X аср), Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муқаддасий ("Аҳсан ат- таҳсим фи маърифат ал-калим", X аср), Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Насибий ("Ернинг сурати", X аср), Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ("Подшоҳлар ва пайғамбарлар китоби", X аср) , Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ("Насабалар ҳақида китоб", XII аср). Ёқут Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёқуб ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳамавий ("Шаҳарлар қомуси", XII аср), Муҳаммад ибн Вали ("Баҳр ал-асрор фи манақиб ал-Аҳйар", XVII аср) ёзиб қолдирганлар.

Мустақиллик йилларида туман тарихини ўрганиш ва рисоалар нашр қилишга эътибор жиддий ошди. Бир қатор

қаламқашлар кучлари билан турли мавзудаги китоблар яратилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Шу билан биргаликда, узоқ ўтмиш тарихимизни илмий манбалар асосида ўрганишга эътибор ошди. Бу мақсадда "Қизилтепа тонги" газетаси таҳририяти билан Республика ФА Яҳё Фуломов номидаги Самарқанд Археология институти олимлари ҳамкорлигида "Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар" 11,8 босма тобоқ ҳажмидаги илмий-оммабоп китоб нашрга тайёрланди.

Эндиликда Қизилтепа қадим тарихини мукаммал ўрганиш халқаро дастурдан ҳам жой олгани кувончли.

Қўлингиздаги ушбу рисола ҳам "Қизилтепа тонги" таҳририяти билан Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Фанлар Академияси Шарқшунослик институти олимлари ўртасидаги ҳамкорлик натижасида вужудга келди. Бу рисолани нашр этишни "Тошработ" ширкат хўжалиги раиси Тўра Рўзиев ўз зиммасига олганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

"Тошработ" хўжалиги Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган бўлиб, бу ерда 25 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу туман аҳолисининг қарийб чорагига тенг.

Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинида Андоқ қишлоғи, шу қишлоқда Хўжа Ҳасан Андоқий қабристонини ва бу қабристонда Хўжа Ҳасан Андоқий номи билан юритиладиган қабр бор. Қабристон юқорисида масжид мавжуд. Хўжа Ҳасан Андоқий қабристонини ободонлаштириш мақсадида жамғарма очилган. Мақбарани қайта қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Ҳозирги вақтда бу қутлуғ даргоҳни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қизғин бормоқда.

Энди Хўжа Ҳасан Андоқий ва Андоқ қишлоғи билан боғлиқ айрим маълумотлар ҳақида фикр юритсак.

М. Ҳасаний ва М. Раззоқова муаллифлигидаги Хўжа Ҳасан Андоқий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мазкур китобнинг 44-саҳифасида шундай сатрлар бор "Хўжа Ҳасан Андоқийнинг куняти (тахаллуси) Абу Муҳаммад номи мубораки Ҳасан ибн Ҳусайн Андоқий эрди. Бухорои шариф билан Андоқ қараяси (қишлоғи) ўртаси ун фарсах эрди".

Шу китобнинг 47-саҳифасида эса шундай сатрлар бор

"Куниялари Абу Муҳаммаддур, исмлари Ҳасан ибн Ҳусайндир. Андоқ Бухоро ноҳияларидан биридир".

"Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар" китоби 44-саҳифасида эса шундай сатрлар бор. "Сайилтепа ўрнида ёзма манбаларда маълумоти берилган "Андоқ" аҳоли пункти мавжуд бўлган. Ёдгорлик ҳақиқатан ҳам Бухородан 65 км узоқликда жойлашган, номи ҳам ўрта аср муаллифлари атамасига жуда ухшаш ва Бухородан 10 фарсах узоқлик радиусда сифат ва хусусиятлари бўйича "Андоқ"га ўхшаш бошқа ёдгорлик қайд этилган эмас".

Ҳар иккала тадқиқот хулосаси бўйича Хўжа Ҳасан Андоқий таваллуд топган қишлоқ Қизилтепа туман Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини, "Тошрабод" хўжалигидаги Андоқ қишлоғига тўғри келади. Албатта Хўжа Ҳасан Андоқий даврларида туман қандай ном билан юритилганлиги бизга номаълум. Бироқ тарихдан ўрта асрларда Тавоис вилоят мақомига эга бўлганлиги, октябр тўнтарилишигача Вангози туман маркази бўлганлиги аниқ. Ўзига хос географик муҳитга эга бўлган Тошрабод ҳудуди Андоқ тумани-рустоки номи билан юритилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Нима бўлганда ҳам ҳаёти ва фаолияти комил инсон тарбияси учун муҳим аҳамият касб этадиган Хожагонлар тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Хўжа Ҳасан Андоқий илмий меросларининг ўрганилиши — қутлуғ, савоб иш.

Бу ишга бел боғлаганларнинг ҳар бирига Парвардигордан яхшиликлар қайтгай, иншооллоҳ. Уларнинг исми шарифлари:

**Тўра Рўзиев (жамоа хўжалиги раиси),
Тошпўлат Аҳмедов (адабиётшунос олим),
Раҳим Мақсудов (журналист),
Жаҳонгир Исмоилов (ёзувчи),
Мўмин Ботиров (жамоа хўжалиги муҳосиб)).**

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш.....	4
I БОБ. ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР.....	6
Хожагон тариқати.....	8
Хожа Юсуф Ҳамадоний.....	9
Хожа Абдуллоҳ Баррақий.....	11
Аҳмад Яссавий.....	12
Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний.....	13
II БОБ. АНДОҚИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ.....	17
Али Сафий Хожа Андоқий ҳақида.....	17
Тоҳир Эшон Хожа Андоқий ҳақида.....	24
Мавлавий Ғулом Сарвар Хожа Андоқий ҳақида.....	27
Носириддин ал-Бухорий Хожа Андоқий ҳақида.....	29
III БОБ. МАНБАЛАРДА АНДОҚИЙ ВАСФИ.....	32
Али Сафийнинг «Рашаҳот» асаридан.....	32
Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи нақшбандия» асаридан.....	33
Муҳаммад Дорошукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё» асаридан.....	35
«Тухфат уз-зоирин» асаридан.....	35
Мавлавий Ғулом Сарварнинг «Ҳазинат ул-асфиё» асаридан.....	35
ХОТИМА.....	37
Андоқий. М.Ҳасаний шеърӣ.....	38
Луғат ва изоҳлар.....	41
Сўнг сўз.....	42

М. Ҳасаний, М. Раззоқова
Ҳожагон тариқати ва Ҳожа Ҳасан Андоқий

Босишга рухсат этилди: 09.10.2003. Бичими: 84x108 1/32. Нашриёт босма табоғи: 3 б.т. Шартли босма табоғи: 3,5 б.т. Баҳоси — келишилган нархда.

Оригинал макет Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг компьютер марказида тайёрланди.

Дизайн — Алексей Смирнов.

Адади: 1000 дона. Буюртма № 242.

Тошкент картография фабрикасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Полковник Асом Муҳиддинов кўчаси, 6-уй.